
Муҳтожлиги бор аҳоли вакиллари учун реабилитация воситалари етказиб берилди

"Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби"га кўра, жорий йилнинг 5 ойи давомида давомида Фурқат туманида истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган шахслар ва ёшга доир пенсионерларнинг 11 нафари учун кресло аравача, 6 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга электропультли аравача, 6 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга эшитиш мосламаси, 11 нафар ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия маҳсулотлари етказиб берилди.

"Нуронийлар" жамғармаси томонидан 35 нафар якка-ёлғиз, ногиронлиги бўлган шахслар Бешариқ туманида жойлашган "Бешчашма" сихатгоҳига, 54 нафар ёшга доир пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар, Афғон уруши қатнашчилари Тошкент вилоятида жойлашган "Товоқсой" сихатгоҳига, Фарғона вилоятида жойлашган "Олтиариқ" сихатгоҳларига соғлигини тиклаш учун йўналтирилди.

2023-05-10 11:06:07